

## **ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ ВА ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

**Ш.Н.Янгиев**

*“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар  
институтини.*

**Аннотация:** *Таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириши дидактик имкониятларни аниқлаштиришни талаб қилади.*

*Кластер ичидаги ўзаро муносабатлар, кўпинча бутунлай қутилмаган, рақобатда бошқа йўллارни ишлаб чиқиш ва мутлақо янги имкониятларни келтириб чиқаришга олиб келади. Кластер рақобатнинг фойдали таъсирини камайтирадиган ёки бутунлай тўсиб қўядиган ички муаммолар, инерция ва мослашувчанликдаги изоляцияни енгиш воситасига айланади.*

*Мақолада таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириши мазмуни ва педагогик шарт-шароитлари ва компетенцияга йўналтирилган таълимни амалга ошириш учун уларнинг фаолиятини мазмунли-технологик қўллаб-қувватлаш масалалари ёритиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *Кластер, компетенция, модел, мазмун, таълим, муносабат, рақобат, муаммолар, инерция, мослашувчанлик.*

### **КИРИШ**

Жаҳон миқёсида бўлажак мутахассисларда таянч касбий компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи дидактик воситаларни ўқитишнинг фазали (ўқув материали мазмунини идрок қилиш; эслаб қолиш; мазмунини англаш ва уни қайта тиклаш; ўзлаштирилган билимларни баҳолаш ва эътироф этиш) модели орқали жорий этиш, талабаларда таянч компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалаш-конструкторлик ва техник-технологик ишларга жалб қилиш, уларда мантикий фикрлаш, таҳлил этиш, креативлик

қобилиятларини ривожлантиришда таълимнинг анъанавий ва замонавий усуллари, инновацион технологиялардан комплекс фойдаланиш, айниқса, ҳозирги техник инқилоб (The Fourth Industrial Revolution) шароитида предмет тайёргарлик, визуал моделлаштириш (Visual Simulation) заруратга айланмоқда.

Бўлажак мутахассисларда касбий компетентликни ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлаш, касбга ўргатиш, шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш бўйича А.Абдуқодиров [1], У.Бегимқулов [3], О.С.Корнева [5] ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш мазмуни қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

- таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириш;
- таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг методик моделини ишлаб чиқиш;
- таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини инновацион ва интерфаол методлар асосида ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш;
- таълим кластери шароитида талабаларда таянч компетенцияларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш индикаторларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш мазмуни ва педагогик шарт-шароитлари шахснинг билиш фаоллигини белгиловчи билимлар, қобилиятлар, кўникма ва малакалар мажмуи билан ифодаланади.

Педагогик луғатда таянч компетенция тушунчасини ташкил этувчи таркибий қисмлар қуйидагича изоҳланади: “билим – фан далилларини, тушунчаларини, қоидаларини, қонунларини, назарияларини тушуниш, хотирада сақлаш ва такрорлашдир”, “кўникма – бу шаклланишнинг энг юқори даражасига етмаган, тўлиқ онгли равишда бажариладиган ҳаракатларни бажариш қобилиятидир” [4]. “Малака” билимларни амалда қўллаш бўлиб, бир неча марта такрорлаш (эгаллаш) орқали автоматлаштирилган ҳаракатлар даражасида амалга оширилади. А.Г.Асмолов “таълим тизимида шахснинг ривожланиши, биринчи навбатда, таълим ва тарбия жараёнининг ўзгармас асоси бўлган универсал ўқув фаолиятини шакллантириш орқали таъминланади, деб ҳисоблайди [2].

Таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари талабага ўз билим фаолиятини мустақил равишда режалаштириш ва амалга ошириш, касбий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва методларини топиш ва улардан фойдаланиш, ўзининг ва жамоасининг фаолият жараёни ва натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини беришдан иборат. Бу функциялар ўқув ва касбий ўзини ўзи англашнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Таълим кластери деганда таълим тизимида рақобатдош устунликларга эришиш йўлида манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли тушунилади. Кластернинг афзалликларини таҳлил қилиб, Т.И.Шамова қуйидаги имкониятларни тақдим этишини таъкидлайди:

- таълимдаги тегишли йўналишнинг муаммолари ва кучли томонларини аниқлаш;
- тизим доирасида самарали ҳамкорлик қилиш учун бошқарув органларининг аниқ воситаларидан фойдаланиш, муаммоларни яхшироқ тушуниш ва худудни ривожлантиришни илмий асосланган режалаштиришни амалга ошириш;
- ҳар бир кластердаги фаолият ва уларнинг натижаларини акс эттириш орқали кластернинг иш шароитидаги муаммонинг ҳолати ҳақида маълумот олиш;

- манфаатдор томонларнинг интеграцияси орқали янги синергик сифатни яратиш;  
- “илмий ва профессионал кадрлар тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълимнинг рақобатбардошлигини” ошириш [7].

Кластерларни яратишнинг асосий афзаллиги шундаки, таълим хизматлари бозорида алоҳида шахс эмас, балки манфаатдор томонлар ҳамжамияти рақобатлаша бошлайди. Муайян худуднинг юқори рақобатбардошлиги алоҳида кластерларнинг кучли позицияларига боғлиқ бўлиб, улардан ташқарида ҳатто энг ривожланган тизим ҳам ўртача натижаларни бериши мумкин [6].

Кластерларнинг динамиклиги ва мослашувчанлиги маълум бир тизимни ташкил этишнинг бошқа шакллариغا нисбатан яна бир муҳим афзалликдир. Кластер ичидаги ўзаро муносабатлар, кўпинча бутунлай кутилмаган, рақобатда бошқа йўллари ишлаб чиқиш ва мутлақо янги имкониятларни келтириб чиқаришга олиб келади. Кластер рақобатнинг фойдали таъсирини камайтирадиган ёки бутунлай тўсиб қўядиган ички муаммолар, инерция ва мослашувчанликдаги изоляцияни енгиш воситасига айланади.

Таълим кластери доирасида унинг субъектларининг ўзаро ва ўз-ўзини ривожлантириши шериклик муносабатларини барқарор ривожлантириш, алоҳида иштирокчиларнинг ҳам, умуман кластернинг рақобатдош устунликларини ошириш асосида пастдан амалга ошириладиган муаммо устида ишлаш жараёнида содир бўлади.

Кластер форматидаги ташкилий ўзаро ҳамкорлик мактаблар ва турли тузилмалар: университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, давлат идоралари, жамоат ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги мавжуд ва потенциал алоқалар имкониятларини турлича кўриш ва шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, ушбу ёндашувга мурожаат қилиш зарурати манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида кластернинг афзалликлари ва кластер иштирокчиларининг шахсий ва касбий ривожланиши имкониятлари билан изоҳланади.

Таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш мазмуни ва педагогик шарт-шароитлари фан бўлимларини яратиш ва ривожланиш ресурси сифатида компетенцияга йўналтирилган таълимни амалга ошириш учун уларнинг фаолиятини мазмунли-технологик қўллаб-қувватлашни белгилаб беради. Таълим кластери шароитида талабаларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш битирувчиларнинг ўз ўзини шахсий ва касбий муваффақиятли амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон.
2. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш моделлари ва уларнинг синфлари. // Ж. Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2004. – № 5. –Б. 50-56.
3. Асмолов А.Г. Формирование универсальных учебных действий в основной школе: от действия к мысли. Система заданий пособие для учителя [Текст] / [А.Г. Асмолов, Г.В. Бурменская, И.А. Володарская и др.; под ред. А.Г. Асмолова]. – М.: Просвещение, 2010. – 159 с.
4. Бегимкулов У.Ш. Таълим муассасаларида ягона ахборот-коммуникация муҳитини ташкил этишнинг методик асослари // Ж. Педагогик таълим. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 61-64.

5. Коджаспирова Г.М. Словарь по педагогике [Текст] / Г.М. Коджаспирова, А.Ю. Коджаспиров. – Москва: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2005. – 448 с.
6. Корнева О.С. Формирование информационной компетентности будущих экономистов на основе концепции фундирования [Текст]: дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08 / Корнева Ольга Сергеевна. – Ярославль, 2016. – 210 с.
7. Мигранян А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров в странах с переходной экономикой // Вестник Кыргызско-Российского Славянского университета. 2002. № 3.
8. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.
9. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 44 б.
10. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: материалы X Международного образовательного форума: в 2 ч. (Белгород. 24-26 октября 2006 г.) Белгород, 2006. Ч. 1.